

ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИНИНГ КАСБИЙ ФАОЛИЯТИДА АХЛОҚИЙ-ПСИХОЛОГИК ЖАРАЁНЛАРНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШИ

А.Г.Лепесов

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси магистратура
“Ташкилий-тактик бошқарув” йўналиши тингловчиси

АННОТАЦИЯ

Ички ишлар органлари ходимларининг хизмат вазифаларини бажариши чоғида фуқаролар билан мулоқат вақтида вужудга келадиган ходимларнинг ахлоқий-психологик томонларини муҳокама қилиши ва ички ишлар органлари тизимида ахлоқий-психологик таъминлаш бўлинмаларига заруриятини аниқлаш.

Калит сўзлар: *Ички ишлар органлари, ахлоқий-психологик, агрессив, стресс, зуриқиш, аффектив ҳолат.*

АННОТАЦИЯ

Обсуждение этико-психологических аспектов у сотрудников, возникающих при общении с гражданами при исполнении ими служебных обязанностей, и определение потребности в подразделениях морально-психологической поддержки в системе органов внутренних дел.

Ключевые слова: *органы внутренних дел, морально-психологические, агрессивные, стресс, волнение, аффективное состояние.*

КИРИШ

Халқимиз шуни яхши билиши керак: олдимизда узоқ ва машаққатли йўл турибди. Барчамиз жипслашиб, тинимсиз ўқиб-ўргансак, ишимизни мукамал ва унумли бажарсак, замонавий билимларни эгаллаб, ўзимизни аямасдан олдинга интилсак, албатта, ҳаётимиз ва жамиятимиз ўзгаради¹.

Ш.М. Мирзиёев

Ҳозирги кунда, давлатимиз раҳбари томонидан ички ишлар органлари ходимлари олдида республикамизда жамоат ҳавфсизлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. <https://uza.uz/uz/posts/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning> - oliy-25-01-2020 (мурожаатвақти: 15.03.2022 й).

ҳимоя қилиш ҳамда қонун устуворлигини таъминлаш вазифаси қўйилган бир вақтда, ходимлар томонидан ўзларининг хизмат вазифаларини бажариш вақтида кўплаб ҳолатларда фуқаролар билан шахслараро муносабат жараёнида улар билан носамимий муносабатларга киришиш ҳолатлари кўплаб учрамоқда.

Ички ишлар органлари ходимлари касбий фаолиятида турли воқеа-ҳодисаларга нисбатан муайян муносабат билдириб, ҳиссиётларини у ёки бу тарзда намоён этадилар. Ходим психологиясида намоён бўладиган бундай руҳий ҳолатлар воқеалиқда содир этилган ҳодисалар таъсири натижасидир. Бу эса, ўз навбатида, ходимнинг ўзига хос индивидуал-психологик хусусиятларини билдиради ва у ҳақидаги бирламчи тасаввурларни англашга ёрдам беради.

Ички ишлар органлари ходимлари томонидан хизмат вазифаларини амалга оширишларида, айниқса жамоат жойларида фуқаролар билан хизмат олиб борадиган хизматлар (*профилактика инспектори, патруль пост ва йўл патруль хизмати*) ходимлари томонидан кўчаларда фуқаролар билан уларнинг мурожаатлари юзасидан ва бошқа масалаларда суҳбат олиб борганларида, ходимларнинг ақлоқ-одоб қоидаларига амал қилмаслик ҳолатлари ва кўпол муносабатда бўлишлари оқибатида сўнги вақтларда фуқаролар томонидан ходимларнинг ҳаракатларидан норози бўлиб кўплаб мурожаатлар қилиш ҳолатлари бўлаётганлигини кўришимиз мумкин.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Юқоридаги йўналишларда хизмат олиб бораётган ходимларнинг ахлоқий-психологик ҳолатлари заифлашиб бориши албатта яхши ҳолат деб булмайди. Бу эса ўз навбатида халқимиз томонидан ички ишлар органлари ходимларига бўлган ишончнинг йўқолишига олиб келади.

Ички ишлар органлари ходимлари хизмат жараёнида ва хизматдан ташқари пайтларда сўзлашиш одобига, муомала маданиятига алоҳида эътибор қаратишлари лозим. Ҳар бир сўзни ўз ўрнида қўллаш, фуқаролар билан хушмуомалада бўлиш ходимнинг мавқеини юксалтиради ҳамда обрўйини белгилаб беради.

Ҳар бир ички ишлар органлари ходим фуқаролар билан самимий муносабатда бўлиши, уларнинг мурожаатини диққат билан эшитиши, ваколати доирасида кўриб чиқиши ва масаласини ҳал қилишга интилиши зарур. Фуқаролар томонидан содир этилган ҳуқуқбузарликларни қонунга зидлигини тушунтиради ҳамда қонунда белгиланган чораларни қўллаши зарур.

Ички ишлар органлари ходимлари эл-юрт осойишталиги посбони сифатида хизмат зарурияти туфайли чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар билан мулоқотга киришганда қадди-қоматини тик тутган ҳолда, очиқ чехра билан уларнинг берган саволларига аниқ ва лўнда жавоб беришга интилади. Уларни қабул қилганда таржимон таклиф этади.

Ходим фуқаролар билан суҳбатлашишидан олдин ўзини таништириши, ходимнинг хизмат гувоҳномасини кўрсатиш талаб этилган ҳолларда ўша заҳоти талаби қондирилиши лозим. Суҳбат давомида ходим тамаки маҳсулотларини чекиши, бирор нарсани истеъмол қилиши ёки уларга нисбатан ҳурматсизлик деб қабул қилиниши мумкин бўлган бошқа ножўя хатти-ҳаракатларни содир этмайди.²

Киши идрок этиш, хотирлаш, хаёл суриш ва фикрлаш жараёнларида фақат воқеликни билиб қолмай, балки ҳаётдаги у ёки бу нарсаларга қайсидир маънода муносабат билдиради, уларга нисбатан у ёки бу тарзда ҳиссиётлар пайдо бўлади.

Эҳтиёжларнинг қондирилиши ёки қондирилмаслиги кишида турли хил ўзига хос кечинмаларни: эмоция, аффект (ҳиссий портлаш), кайфият, кучли ҳаяжонланиш (стресс) ҳолатларини ва ҳис-туйғуларни ҳосил қилади.

Ҳиссиёт аксарият ҳолларда руҳий жараённинг ўзига хос кўриниши сифатида фақат эмоционал шаклда вужудга келади. Шу ўринда ҳиссиёт ўзича эмас, балки билишга интилаётган, уни эгаллаётган шахсда маълум муносабатни намоён қилувчи нарсалар, ҳодисалар ва ҳаракатларнинг алоҳида хоссаси, хусусияти маъносида гавдаланади.

Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, кўриш, эшитиш, ҳидлаш, кинестетик (ҳаракат) сезги ҳамда идрокка тааллуқли ҳиссиёт муҳим аҳамиятга эга. Масалан, маъмурий ҳудуддаги хонадонлар, жамоанинг муносабатлари, хоналар, иш жойи, транспорт воситаларининг ранги ва бошқалар таассуротидан вужудга келган ёқимли ёки ёқимсиз ҳиссиёт меҳнат самарадорлигига, хизматчиларнинг кайфиятига сезиларли таъсир ўтказди. Хотиржамлик, ёқимли мусиқа, шахслараро илиқ муносабатлар, муомала, аҳиллик муваффақият кафолати, ижтимоий тараққиёт омили ҳисобланади.

Агрессия (*ҳиссий портлаш*) – кишини тез чулғаб оладиган ва шиддат билан ўтадиган жараён. У онгнинг анчагина ўзгарганлиги, хатти-ҳаракатларни назорат қилишнинг бузилганлиги, одамнинг ўзини ўзи идрок қила олмаслиги, шунингдек, шахснинг ҳаёти ва фаолияти ўзгариб қолганлиги билан ажралиб

²Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг 2016 йил 30 май кунидаги 82-сонли буйруғи.

туради. Аффект ҳолатида бирданига катта куч сарф қилиниши сабабли ҳам у қисқа муддатли бўлади. Агар оддий ҳиссиёт фақат руҳий ҳаяжонланишни ифода этади.

Ҳиссий портлаш рўй берганда киши ўзини назорат қилаолмай қолади, қилаётган ишининг оқибатини ўйламайди ва ақл-ҳушини йўқотиб кўяди. Тормозланиш мия қобиғини эгаллаб, кишининг тажрибаси, унинг маданий ва маънавий асосларда мустаҳкамланган муваққат боғланишларнинг таркиб топган тизимини ишлатмай кўяди. Масалан, жиноятчилик оламида кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида қасддан одам ўлдириш (ЖКнинг 98-модда) ёки кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида қасддан баданга оғир ёки ўртача оғир шикаст етказишда (ЖКнинг 106-модда) аффектив ҳолатларни кузатиш мумкин. Ҳиссий портлашдан кейин ҳолдан тойиш, мажолсизлик, барча нарсаларга бефарқ муносабатда бўлиш, ҳаракатсизлик, баъзан эса мудроқ босиш бошланади. Шу сабабли, ички ишлар органлари ходимлари хизмат фаолияти мобайнида фуқаролар билан сўхбатни амалга ошириш жараёнида шахснинг ҳиссий ҳолатига катта эътибор бериш мақсадга мувофиқдир. Сабаби, инсон аффектив ҳолатга тушганида қилаётган хатти-ҳаракатларини назорат эта олмайди, бу эса ходимнинг ҳаёти учун ҳавфли кўриниш олиши ҳам мумкин.

Стресс ўзи нима? Стресс – инсон организмнинг ташқи муҳитга нисбатан реакцияси. Инсон мияси тананинг барча аъзоларига кўп гормонларни юборади. Натижада юрак тез-тез уради, қон босими ошади, ўпка қисқаради ёки кенгаяди, мушаклар таранглашади. Инсон нима бўлаётганини ҳали тўлиқ тушунмасидан организм ҳаракат қилишга тайёр туради. Стрессли вазият ўтиб кетгач, организм юқори тайёрлик ҳолатидан чиқиб, меъерий фаоллигига қайтади.

Ижобий ва салбий стресс – қийин ва ҳавфли вазиятларга тайёр туришингизга ёрдам берадиган табиий реакция. Стресс ҳолатида пайдо бўладиган реакция миянгизда бошланади. Ижобий стресс тез ҳаракат қилишингизга ёки жавоб қайтаришингизга имкон беради. Маълум даражадаги стресс мақсадингизга эришишга ёки бирор ишни яхшироқ бажаришга, мисол учун, имтиҳон топшириш, ишга кириш учун суҳбатдан ўтиш ёки спорт мусобақаларида қатнашишда муваффақият қозонишингизга ҳисса кўшади.

Лекин давомий, кучли ёки сурункали стресс сизга зарар келтиради. Организмингиз қайта-қайта ёки доимий равишда юқори тайёрлик ҳолатида бўлса, сиз жисмонан, ҳиссан азоб чекишингиз ва ақлий қобилиятларингиз пасайиши мумкин. Хулқ-атворингиз, жумладан, бошқаларга бўлган

муомалангиз ҳам ўзгариши ҳеч гап эмас. Сурункали стресс туфайли инсон ичкиликка ружу қўйиши, гиёҳванд моддаларни қабул қилиши, дориларни суиистеъмол қилиши, меъёридан ортиқ овқат ейиши, тамаки чекиши ва бошқа ёмон одатларга берилиши мумкин. Бу ҳатто одам депрессияга тушишига, силласи қуришига ёки жонига қасд қилиш ҳақида фикрлар келишига сабаб бўлади.

Гарчи стресс ҳаммага бир хил таъсир қилмаса-да, у кўпгина касалликларни келтириб чиқариши мумкин. Стресс инсон танасининг деярли барча аъзоларига таъсир қилади.³

Стресс ҳолатида шахснинг хатти-ҳаракатлари кескин тарзда ўзгаради, қўзғалишнинг умумий реакцияси пайдо бўлади, ҳаракатлари тартибсиз равишда амалга оширилади. Стресснинг кучайиши эса тескари реакцияга олиб келади, натижада сустлик, заифлик, фаолиятсизлик устуворлик қила бошлайди. Стресс ҳолатида физиологик ўзгаришлар ташқи томондан қарийб кўзга ташланмаслиги мумкин, бироқ муаммони ечишдаги қийинчилик, диққатни тақсимлашдаги саросималикни стресснинг ташқи ифодаси деб тахмин қилиш мумкин. Шахс стресс ҳолатида телефон рақамини адаштиради, вақтни чамалашда янглишади, онг фаолияти енгил бузилади, идрок кўлами тораяди ва бошқа ҳолатлар кузатилади.

Ички ишлар органлари ходимлари хизмат фаолияти мобайнида стресс ҳолатига ҳам тушишлари мумкин. Бундай ҳолатларда, одатда, ходим ўзининг ҳиссий ҳолатини бошқара олмаслик, муомаласида қўполлик, вазиятни тўғри баҳолай олмаслиги, мантиқий тўғри қарор қабул қила олмаслик, диққатни тўғри тақсимлай олмаслиги ва шу каби салбий кўринишдаги руҳий жараёнлар юзага келиши мумкин. Шу сабабли ҳар бир ички ишлар органлари ходими ўзида турли кўринишдаги нохушликлар, стресс ва асабий ҳолатни юзага келтирувчи омилларга қарши ўзида етарли психологик билимлар, иродавий фазилатларни шакллантириши лозим.

ХУЛОСА

Юқорида келтириб ўтилган ушбу хулосаларни Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизматининг профилактика инспекторларига нисбатан қўлланилганда шахс муаммосини ўрганишнинг икки тенденцияси (интилиш, ғоя, фикр, майл, тамойил маъноларини англатади) бирлигини кузатиш мумкин бўлади.

³<https://www.jw.org/uz-cyrl/кутубхона/журналлар/уйғонинг-1-2020-март-апр/стресс-ўзи-нима/>

Юқорида таъкидланган фикрлар асосида, хулоса ўрнида шуни айтиш лозимки, ҳуқуқбузарлик ва жинойтчиликнинг олдини олишда, ички ишлар органлари ходимлари самарали хизмат олиб боришлари учун, ходимларни психологик жиҳатдан соғлом қилишимиз лозим. Бунинг учун эса албатта ушбу психология соҳасида етук мутахассисларни топиб ички ишлар органларига қабул қилиб, ички ишлар органларида ахлоқий-психологик бўлинмаларини ташкил қилиш лозим деб уйлайман.

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси.
2. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрь кунидаги “Ички ишлар органлари туғрисида”ги ЎРҚ-407-сонли қонуни.
3. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг 2021 йил 21 октябрь кунидаги 400-сонли буйруғи.
4. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг 2016 йил 30 май кунидаги 82-сонли буйруғи.